



Шовқин ташқи муҳитнинг инсонга таъсир қиладиган зарарли омиллари ичида катта ўрин тутади. Шу боис уни ҳозирги замон офати ва техника тараққийнинг ечимсиз махсули, деб таърифлашади.

Институтимиз қошидаги шовқин тебраниш тажрибахонасида кейинги вақтларда республикамиз корхоналарида шовқиннинг киши аъзосига таъсирини камайтириш борасида бир қанча ишлар қилинди. Ҳозирги кунда ҳам кенг миқёсда ўрганилмоқда. Жумладан, Олмаликдаги рух, Охангарондаги цемент ишлаб чиқариш заводларидаги шовқин ва тебранишнинг ҳосил бўлиши, уларнинг характери, спектрал таркиби таҳлил қилиняпти.

Илмий текширишлар шуни кўрсатадики, асосий сеҳлар, бўлимларда шовқин ва тебраниш даражаси санитария нормасидан анча юқори экан. Шу корхоналарда ишлаётган ишчиларнинг марказий асаб системасида ҳар хил ўзгаришлар рўй берган. Кўпчилигида иш жараёнида бош оғринининг пайдо бўлиши, аввалига фақат иш вақтида, сўнгра узок вақтгача сақланиб қолиши кузатилади. Оқибатда кам қувватлилик, чарчаш, сабабсиз аъчикланиш, уйқусизлик ва руҳий ўзгариш аломатлари...

Олимлар тажрибахонасида

ШОВҚИН ЖИЛОВКОРЛАРИ

нинг пайдо бўлиши, асаб системасининг заифлинишидан қўл титраши, тананинг тебраниши ва қўлнинг терлаши ҳолатлари кўрилади.

Шовқин юрак қон томирлари асаб системаси орқали таъсир қилиб, қон томирларини қисқартиришга олиб келади. Бу эса ўз навбатида организмда қон айланишининг бузилишига сабаб бўлади. Шовқин таъсирини камайтириш борасида бир қанча ишлар қилинди. Ҳозирги кунда ҳам кенг миқёсда ўрганилмоқда. Жумладан, Олмаликдаги рух, Охангарондаги цемент ишлаб чиқариш заводларидаги шовқин ва тебранишнинг ҳосил бўлиши, уларнинг характери, спектрал таркиби таҳлил қилиняпти.

Тажрибахонамизда асосан машинасолик, енгил ҳамда маҳаллий саноат корхоналарида шовқин тебраниши ва инфратовушни камайтириш устида иш олиб бориляпти.

Бизга маълумки, ҳатто паст даражадаги шовқин ҳам асаб системани учун зарарлидир. Модомики шундай экан, ҳозирги муҳим вазифамиз шовқиннинг киши аъзосига таъсирини камайтиришдан иборат. Бу ўринда трактор заводларидаги металл кесувчи дастохлар, асосий узатмалар, электр двигатели ва кесувчи асбобларда кучли шовқин содир бўлади. Электр двигателининг шовқинини камайтириш учун товуш ўлчамайдиган гилофга олиш тавсия этилади. Бундай гилофлар металл ёки ёғочдан тайёрланиб, ич томонига товуш ютқич материални қоланса янада яхши.

Цехларда шовқинни камайтириш учун амалда товуш тўсиқларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бундай тўсиқлар ёғоч қириндиқларидан тайёрланади ва цехлар оралиғига ўрнатилади. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу ҳолатда шовқини 10—27 фоизга камайтиришга эришилади. Бу қуримнинг иккинчи бир фазилати шундаки, у ҳавони ҳар хил аралашма ва сув бутларидан тозалайди. Қурималар пойабзал фабрикаларидаги асосий цехларда кенг миқёсда ўрнатилган бўлиб, самардорлиги юқоридир. Зотан, республикамизда биринчи марта синаб қўрилган бу шовқин ютқичга Рига, Минск, Запорожье, Ростов-Дон, Душанбе каби шаҳарлардан қўллаб буюртмалар келаятгани ҳам бежиз эмас.

Шовқиннинг олдини олишда ва камайтиришдаги омиллардан бири профилактика ва даволанишдир. Булар қуйидагилардан иборат: мускул тонусини бир тартибда сақлаш, унинг таранглик ва чарчаш ҳолатини йўқотиш учун туш вақтларида ва ишдан сўнг сув процедурасини қабул қилиш тавсия этилади. Қўл ва оёқлар учун бир смена давомида бир мартаба, 8—10 дақиқа атрофида иссиқ ванна (36—38 даража) қабул қилиш ҳам зарур. Периферик томирларда қон айланишининг маълум тартибда бориши учун уқалаш қабул қилиш фойдали. Шовқиннинг ишчилар организмига таъсирини камайтириш учун иш мобайнида турли хилдаги гимнастик машқлар бажарилади. Бундай машқлар асосан туш вақтига бир соат қолганда ва иш тамом бўлишига икки соат қолганда, 5—8 дақиқа давомида амалга оширилади.

Бундай тадбирлар тўғрисида шовқин даражасини 10—15 децибелга камайтириш мумкин. Шовқинга қарши қўлланяладиган яна бир восита қўлоқни муҳофаза қилишдир. Бу ўринда қўлоқ наушникларидан ва қўлоқни муҳофаза қилувчи бошқа асбоблардан фойдаланиш керак.

Тажрибахонамизда юқорида таъкидлаб ўтилган усуллар тақдим этилиб, корхоналарга тавсия этиляпти. Бу эса саломатлиқни муҳофаза қилиш ва меҳнат унумдорлигининг ошиб боришида катта аҳамият касб этаётди.

Улмас МИРЗАЕВА.

Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди.



— Қахрамон, авваламбор таълаб касбингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Болалигимда турли расмлар чизганини эктирардим. Қандайдир рангли суратларини олиб, шу суратларга ўхшатиб расм чизишга ҳаракат қилардим. Бу кизиқимни кўрган онамлар мени Тошкентдаги ўрта махсус санъат интернатига ўқишга бердилар. Интернатда ўқиб юрган кезларимда устозим, ҳозирги кунимгача юрагимда из қолдирган олий-

Санъат сеҳри ПОКИЗА ОРЗУЛАР

Қўли гул ўзбек ҳунарманд усталарининг таърифи бутун дунёга ёйилган. Бугунги кунда уларнинг қанчадан-қанча шогирдлари етишиб чиқмоқда. Шулардан бири Тошкент Давлат санъат институтининг II курс маҳобатли рангтасвир бўлимининг талабаси Қахрамон Турғуновдир.

жаноб инсон — Ҳикматулла Файзуллаевнинг ўзбек халқ амалий санъати бўйича қилган ишлари манзур бўлди. Берган сабоқларнинг барчаси шу касбга бўлган кизиқимини янада орттирди ва астойдил шу касбнинг моҳир устаси бўлишга аҳд қилдим.

— Шахримиздаги бир қанча гўзал масканларни безашда сизнинг ҳам иштирокингиз бор-а?

— Ҳа, албатта. Чунки ҳозирда барпо этилаётган бинолар, сайилгоҳларни нақш билан безаш жуда зарур. Буларнинг бар-

Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳамшахримизнинг фамилиясини етмишчи йилларда "Оқшом" саҳифаларида кўп кўргансиз. У ўзининг жажжи лавҳалари, хабарлари, ибратли ҳикоялари билан "Оқшом"да тез-тез катнашиб турарди. Юзида доим табассум жилва қилиб турадиган бу инсонни мактабда барча бирдек "ота" дейишди. Ўзбекистон халқ маорифи аълоҳиси Ҳилолиддин ака Шаҳобиддин хозир 65 ёшда. Қирқ йилдан ортқирок Ҳаким Мусаев номли 38-мактабда она тили ва адабиётдан сабоқ бериб келадилар.

— Ҳилолиддин ака, муаллимлик касби ўта масъулиятли ҳам машаққатлидир. Нима учун сиз айнан шу касбни танлагансиз?

— Аждодларим 350 йилдан буён Тошкентда мактабдорлик қилиб келишган. Бошқачроқ айтганим бўлсам ота-онанинг 5-6 авлоди муаллим бўлишган. Ёшлигимдан болаларни жуда яхши кўраман. Ўзим ишлаётган мактабда илм олганман. 1937 йилда ўша мактабнинг биринчи синфига бордин. Уруш йиллари 4—5-синфда ўқиб юрган кезларимда уйма-уй ўриб, фронтдаги жангчилар учун совғалар йигардик. Оғир йиллар ўқимига таъсир кўрсатмай қолмади: 5-синфдан мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлдим. Кейин қосибчилик билан шуғулландим. 1947 йилда шахримиздаги 82-мактаб қошидаги педагогика билим юртида, Тошкент Давлат педагогика институтини ташлаб кетдим. Шуниси кизиқки, кейин мени ўзим-

Ҳамшаҳарларимиз ЯШАШДАН МАҚСАД

илм олган мактабга ўқитувчи этиб тайинланди. — Ҳикитувчилик касби жуда машаққатли касб. Фахрий бўлишингизга қарамай, ҳануз мактабда меҳнат қиларкансиз... — Болалардан ҳеч узоклашгим йўқ. Уларга зие беришдан олийроқ бахт бормикан! Айниқса, шаҳар, республика миқёсидаги олимпиадаларда ўқувчиларим билан ишти-



Донолар аёл ҳақида ЛУТФУ ҲИКМАТГА САЗОВОР

Агар сиз эркакка илм берсангиз, фақат бир кишига, аёлга илм берсангиз бугун оилага берган бўласиз.

Маҳмата ГАНДИ Алишер НАВОИЙ Шойра ДИЛШОД. Ромен РОЛЛАН. САЪДИЙ. БУФФЛЕР. Носир ХИСРАВ. МАХТУМҚУЛИ.

роқ этган кунларим едимда. Ўткир заҳиллар мушоирасида бир неча бор катнашганман. Барча жойда тўғрилиқ, сабуру қаноат билан иш юритганим менинг юзими ёруғ қилиб келган.

— Қўлингизда таълим олган ўқувчиларингизни ҳозир ҳам кўриб турасизми?

— Ўрта мактабни битказиб кетган ўқувчиларим тўрт мингдан зиёд бўлса керак. Ҳозир қайси ташкилотнинг эшигини очсам, ўзим ўқитган болаларни учратаман. Илҳом Қосимов, Асилбек Гайбуллаев, Нажмиддин Тулаганов қабилар тиббиёт фанлари доктори, Хайрулла Расулов, Омон Абдуазизовлар техника фанлари докторидир. Мактабимизда 8 та ўқувчим ўзим билан елкама-елка муаллимлик қилишади. Битказиб кетган ўқувчиларимнинг исми-шарифи, қайси синфда ўқигани ҳали ҳам едимда туради. Синфга киришим билан ўқувчининг кўриниши, хулқидан, қандай оиланинг фарзанди эканини адашмай айтиб бераман. Ҳозирда эвара ўқувчиларга, яъни даставвал ўқитган болаларнинг невараларига дарс беришман. Ўзимнинг етти фарзандим бор, улар ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишган.

— Мустақил давлатимизнинг муаллимлари сизнингча қандай фазилатларга эга бўлмоқлари зарур?

— Устоз биринчи навбатда ҳазрати Навоий таъриф этганларидек, ҳамма тарафлама мукамал, сабр-бардошли шогирдга намуна бўла оладиган қомил инсон бўлиши керак. Билимда, кундалик ҳаётда боланинг биронта саволи жавобсиз қолмаслиги лозимдир. Бола дегани аслида жуда зиярак, хушёр, қузатувчан бўлади. Шунинг ҳақ қачон унутмаслик керак.

— Сермаҳкакат ва шарафли касб эгаси бўлганингизга 40 йил бўлди. Шу тобда кўнглингиздан нималар кечмоқда?

— Истиклолга эришган юртимизнинг бўлгуси эгаларига зие тарқатаётган муаллимларга тилангим — ўз касбларини севишсин, унга садоқат, меҳр билан ендюшишсин. Болаларимизнинг бир хунар эгаси бўлиб, жамиятимизда ўз ўрнини топиб, унга фойда келтириши учун куч-қувватларини аяшмасин. Ахир яшашдан мақсад ҳам шу эмасми?! Нилуфар УМАРОВА. СУРАТДА: Ҳилолиддин ака Шаҳобиддин дарс ўтаётган пайти тасвирланган.

Газалхонлик ШУҲРАТИНГ ОЛАМГА КЕТГАН

Сенга бу жоним нисор, шуҳратим-шоним Ватан, Улғайиб бағрингда ўсдим, тан аро жоним Ватан. Ким келиб қилса таваф, жаннатмаком дегай сени, Эрта-кеч бағрингдаман, йўқ асло армоним Ватан. Доимо арқоқлағайман, тупрогинг кўзга суриб, Асрасин танграм, сани, шул тилак доим Ватан. Кўкрагим қалқон қилиб, яшаш бўлсин матлабим. Сен эурсан ки ҳаёт томирдаги қоним Ватан. Ўзга элди хар ватандош, эслаб тўқар кўзидан еш, Қайда дер сендек муаззам, касри кошоним Ватан. Эй Самуғ шукринг-ла етти бул заминнинг қадрига, Шуҳратинг оламга кетган Ўзбекистоним Ватан.

ШАБНАМ ДЕМА

Кўрганнинг инсон зотин ҳаммасин там-там дема, Чехрасини шод кўриб, асти ул беғам дема. Қилса ихлос, эътиқод, такрор айлаб эрта-кеч, Эътиқоди суст кишининг имонин бардам дема. Кимники енида гар дўсти ери йўқ экан, Бўлмаса ҳамроҳ енида, сан ани ҳамдам дема. Ҳақ йўлида йилгасам, ҳар лаҳза ёш кўздан тўкиб, Диёнат йўлдош бўлур, ўзгасин ҳар дам дема. Сабза узра оқ кировадек тушса оқ бошинг уза, Ҳеч қачон уни эй дўст ўткичи шабнам дема. Э, Самуғ дунёда юрдинг шарбатига маст бўлиб, Ким агар юрса эғиб бош, қоматини ҳам дема.

БЎЛМАСА

Ёрни ёр дерму киши дардига дармон бўлмас, Ўлтириб суҳбат қуриб, дилбару даврон бўлмас, Тун эҳир қимга керак, оғамас тоғ ортидан, Аҳдига айлаб вафо гул-гул хиромон бўлмас. Ёрга мен қилсам вафо, бўлса ул ҳам чин фидо, Йўқ сўзин эшитмасам, кўнглимда армон бўлмас. Билмадим не бу жафо, агар бирлан дилрабо, Қўларим зим-зиёдор, олдида жонон бўлмас. Ёри жон қалбингни бер, мен қуёш айлай уни, Топгайми жоним омонлик, хуршиди тобон бўлмас. Самуғ, тутма дариг дилдордан ширин сўзинг, Ҳар киши етгай муродга сўзида елгон бўлмас.

Самуғжон ҚАРИМИЙ.

Халқимизда "Ота — савлат, она — давлат" деган ҳикмати гап бор. Чилонзор туманининг Эркин кўчасидаги серфайз хонадонлардан бирини истиқомат қилаётган Самғот ота ва Попуқой ая Абдуллаевлар ана шундай табарруқ инсонлардир. Олти қиз, икки ўғил, 32 набира, 17 та эваранинг бобоси ва бувисси бўлган бу пиру бадавлат кексалар яқинда турмуш қурганликларининг 60 йиллигини нишонлашди.

Самғот ота ва Попуқой аянинг барчага намуна бўладиган томонлари борки, бу бизни қўлимизга қалам олишга даъват этди.

Оиланинг тўнғич қизи Фарида ота туғруқхонада бевақт вафот этиб, икки қиз ва бир ўғил она меҳрига оғ бўлиб қолишди. Болаларнинг отаси — Болтабой ака умр йўлдошидан ажралиб қолиб, унинг ўзи ҳам меҳрга, мадада муҳтож эди. Болтабой ака не кунларни бошидан кечирмади, дейсиз. Онанинг бир оғиз ширин сўзи, севиб эрка-

лашларига зор бўлган кичкинтойларнинг кўзларидан тирқираб чиққан аъчик ёшларга чидаш қийин. Шукрки, яратганинг ўзи бандасига меҳрбондир. Хонадонга келин, болаларга она бўлиб келган Яхшигул ота оқила аёл эди.

Ишонийлик фазилатлари ЯХШИ ГУЛНИНГ ЎЗИ ЯХШИ

— Болаларни ўзи туққандек жонидан ортиқ кўради-я — дерди Болтабой ака аякиларига. — Улар ҳам "ойижон" деб шундай яхши кўришадикки, таърифлашга сўз топпайди. Мен ўзимни ҳаётга қайта келгандек хис қиламан. Фарида раҳматлининг мазорига бориб, қабрига қўйилган елдорлик тошини

Яқин-яқингача Ҳиндистонда бир неча расмий фуқаролар тақвимлари амалда юритиларди. Яна маҳаллий 70 тақвими бунга қўшсангиз борми? Ушбу тақвимларнинг ҳаммасига бутун Ҳиндистон ҳудудини амал қилинарди. Ахвол шу даражада мушкуллашиб, бутун қайси кунлигини ҳам аниқлаб бўлмади қолди. Ниҳоят Ҳиндистон ҳукумати 1957 йил 22 мартдан бошлаб (бизнинг Наврўз кунимиз!) ягона миллий тақвими тасдиқлади. Унга асос қилиб "Эра Шаҳа" тақвими олинди. Янги йилни нишонлаш кунини эса олдин йилларда 22 март, тоқ йилларда 21 март деб белгилашди. Қаранг-а, Ҳиндистондаги янги йилга оз муддат қолибди!

Ҳиндистонда чоп этиладиган барча газеталар, журналлар, китоблар Григорян тақвими бўйича рақамланади. Ушбу тақвим 1757 йилдан бошлаб инглизлар томонидан қиртилган эди. Лекин икки, ҳатто уч рақам билан белгиланган газета-журналлар ҳам учраб туради: улар Григорян, маҳаллий ва ягона миллий тақвимлар бўйича саналади.

Қизик бир савол туғилади: Ҳиндистонда Янги йил қачон кутиб олинади? Андхра — Прадеш штатида Янги йил "Ўгади" деб аталади, байрамона шодоналар билан нишонланади. Айнан шу штатда нишонланадиган бошқа муҳим янги йил расм-русуми "Панчанга шравана" ("Тақвими тинглаш") деб аталади. Ингилтилари орасида илми раёб соҳиб сўзга чиқади. У кириб келаятган Янги йилнинг қайси кунлари омади,

қайси бири омадсиз эканлиги, қайси кунни тижорат шартномаларини тузиш, қайси кунни никоҳ ўқитиш кераклигини обдон ўқиради.

Андхра — Прадешда кишининг ўн икки ой давомида ўзини қандай тутиши Янги йилнинг биринчи куниндаги кайфиятига боғлиқ деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳар бир киши янги йилнинг биринчи кунини қувнок бўлишга интилади, емонликлардан йироқ бўлади. Фақат яхши,


Одамлар, одатлар ҲАР КУНИ ЯНГИ ЙИЛ

еқимли ишларни амалга оширади. "Эра Коллам" деб номланган байрам эса асосан Керала штатида кенг тарқалган. У афсонавий Парашурама Керала тупроғини денгиз ҳукмронлигидан озод қилган кундан бошланади. Байрам қиринчи билан ҳамма ўзининг аяқларига, қам-қариндошларига совға беришга шошляди. Янги йилнинг биринчи кунинда ким совға олса уни йил бўйи омад тарқатади деб ҳисоблашади. Ким совға келтирса уни ҳам тақдир ерлақайди — бирига минг беради деб ҳисоблашади. Ажойиб, ибратли, айни пайтда саховатли бўлишга қақирадиган байрам, шундай эмасми?

Сўраган эдингиз... ТАНДИР ҚАНДАЙ ЯСАЛАДИ?

Эрталаб тандирда ёпилган иссиқ, нон билан нонушта қилган эди. Қизим тандир ҳақида сўраб қолди. Очғини, унинг қандай яслигини айтиб беролмадим. Уйлаб қарасам, ҳар кун бурсиндоқ юрганим мазза қилиб ёр эганим-у, тандир ясовчи усталар маҳорати билан қизиб кўрабмиш. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз. Меҳридин Ҳотамов, Собир Раҳимов туманидаги Янги Сабзор маҳалласида яшовчи фуқаро.

Усталарнинг таъкидлашича, қуйиб, лой қорилади. Бўтқага тандир ясаш учун озода ерда, айланган аралашма қамда 3-4 қоп устига мўлгина қилиб эчки соат айланиб тепилади. Лой-жун билан аралаштириб макоб сепиб туринг. Маромид



Ўтмишдошларимизнинг ижодий йўналишлари газалари, хикоялари, ҳар хил шарҳлари ва бошқа кўринишдаги асарларида одоб-ахлоқ мавзуси тарбия асосини эгаллаб келган. Шу боисдан ўсиб келаётган еш авлодга тарбия бериш, халқимиз, жамиятимиз ривожига ҳақиқат ўйловчи, унга хизмат қилувчи шахс сифатида вояга етказишда тарбиянинг ролига катта эътибор берилиши лозим. Бу ўринда ўзининг фалсафий назарлари, эркин фикрлашлари, ўткир зехни билан дунёга танилган Абу Ало Ал-Мааррийнинг тарбиявий қарашларини алоҳида қайд қилиш зарур.

Ал-Мааррийнинг тарбия ҳақида берган фикрлари, унинг мазмунини очиб беришдаги ена-дешуви бошқа мутафаккирлардан фарқ қилиши

Буюк сиймолар

АБУ АЛО АЛ-МААРРИЙ

билан бирга, уни анча жозибали, кенг қамровли, фалсафий кўринишда ёритишга ҳаракат қилганини, унда мактов билан танқид ёнма-ён келиши кузатилади. Шунинг учун ҳам Ал-Мааррий илгори сурган ҳар бир фикр, ҳоҳ у диний кўринишда, ҳоҳ ақиди кўринишда бўлсин, ҳаммаси ўз даврига нисбатан илгор фикрлар бўлиб, тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ал-Мааррийнинг асли оти Аҳмад бўлиб, ўзига Абу Ало (олийлик, юқориликнинг отаси) деган ном олади. Отасининг исми Абдуллоҳ бўлиб, замонасининг ўзига тўқ кишиларидан эди. Шундай қилиб шоирнинг исми Абу Ало Аҳмад йбн Абдуллоҳ ибн Сулаймон ал-Мааррий бўлади.

У тўрт ешга тўлмасидан чечак касалига дучор бўлиб, бир кўзи кўрмай қолади, кейинчалик иккинчи кўздан ҳам айрилибди. Шунга кўра у "Кизгишроқ рангдан бошқасини билмайман, чунки мен чечак касалига гирифтор бўлганимда кизгиш кийим кийганимни эс-эс биламан, бошқаси эсимда йўқ", деб ёзган эди.

Ал-Мааррий аввал отасидан, кейинчалик турли тоифадаги олим ва мутафаккирлардан таҳсил олади. Илм-маърифатни эгаллаш учун устоизининг қайси-данда бўлишдан қатъи назар ундан фойдаланишга ҳаракат қилади, мусулмон, насроний, аҳудий олимларидан илм ўрганади, динларнинг моҳияти ва келиб чиқишларини фалсафий нуқтаи назардан талқин қилади. У ўттиз беш ешида Бағдодга келиб таҳсил кўради, шу билан бирга кўп шоир ва файласуфлар билан баҳслар олиб боради, ўз фикрини кенгайтиради, бойтади.

Ал-Мааррий ўзининг ижодий ва тарбиявий йўналишларида одамларни ростгўй бўлишга, уларнинг огирини енгил қилишга, қийин вазиятларда ердан беришга ундайди, бу йўлда ўзининг

Ҳақиқат нурали душман тарафда
Бўлса ҳам қабул эт, сўзлама ёлгон
Ўжарлик либосин ақлинга кийиб

Дағдаға солмагин, дўстим ҳеч қачон. Каби рубоисиди фикрини аниқ ва теран баён этади, босиқ, оғир, ақл билан ҳар қандай чигал масалаларни ҳал қилиш мумкин эканлигига иттибот қилади. Шу билан бирга одамларга яхшилик қилиш ҳар бир инсоннинг вазифаси бўлишига, ундан бирор таъма кутмаслик керак эканлигини ўз байтларида очиб беради. У ешларга қарата панд-насихатларни керагича олишни, ундан кулоқ товламаслиқни, зерикмаслиқни, ортиқчаси зарар қилмаслиқни такрорлаб

Сўзимга кулоқ сол, англа, амал қил, Мен керак бўлганда бўлмасимни бил.
деб ўз ўқувчисини ҳушёрликка, теран фикрлашга, ешлиқда иложи борича кўп нарсаларни ўрганишга, одоб ва ахлоқни шакллантиришга чақиради.

Ал-Мааррий ота билан ўғил муносабатига тўхталиб, ота-ўғил тарбиясига жавобгар эканлиги, ўғилни ешлиқдан то балоғат ешига етганида ҳам жавобгарлик отани ихтиёридан олинмаслигини эслатади.

Шу билан чекланиб қолмасдан ўғилни оила аъзоларига меҳрибон, оиланинг урф-одатлари ва эътиқодида содиқ, ориятли, одобли, ширинсухан бўлиб улғайишини хоҳласангиз ўзингиздан жуда ҳам узоқлаштирмаслик зарур эканлигини таъкидлайди. Ўғилнинг балоғатга етгандан сўнг у билан ота айрим масалаларни бамаслаҳат ҳал қилиш зарурлигини, ўғилни ҳам оила шаъни-шавкати, эътиқоди, одоби, ахлоқи учун жавобгар шахс эканлигини ҳар бир киши тушуниб етиши муҳимлигини қайд қилади.

Ал-Мааррий илм-маърифатни ниҳоятда катта куч эканлиги, у ақлни тиниклаштиришни, чарх-лашни билдириши билан бирга

Ақл денгиз мисолидир, Асар қилмас азим тўқкин.

Озаймайд керак бўлса, Андин қанча олар бўлсанг,
деб уни ҳаётда йўл кўрсатувчи, ҳаётини масалаларни ҳал қилишда маслаҳат берувчи эканлигини фалсафий маҳорат билан баён қилади.

У шунингдек, ичкилик ичиш ҳақида фикр юритиб, бу йўлга қиришнинг оқибати ёмонликларга олиб келиши, кишини ҳору зор қилиши мумкинлигини ўз мулоҳазалари билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга Ал-Мааррий фитнес-адоват, қабиллик, лаганбардорликни каттик қоралайди, ешларни бу йўлга кирмасликка ундайди. Лаганбардорлик энг ёмон иллат эканлиги, хаттоки давлат сиёсатини ҳам издан чиқариши мумкинлигини эслатади.

Ўз замонида аллома жуда кўп илгор фикрларни инсонлар мушоҳадасига ташлайди. Шу йўлда ўсиб келаётган еш авлодини тарбиялаш жамиятнинг катта ақл захирасини яратиш билан баробар эканлиги, уни керак пайтда халқ фаровонлиги йўлида муҳим аҳамиятга эгаллигига хитоб қилганини сезиб турибмиз. Шунинг учун ақл чирогидан фойдаланиш жамиятимизнинг ривож учун ва унинг истиқболларида бениҳоя зарурлиги юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибди.

Тургун ТўЛАГАНОВ,
Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг профессори.

Муҳимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри юртимиздаги энг кўзга кўринган театрлардан бири ҳисобланади. Разоқ Хамроев, Омина Фаёзова, Соиб Хўжаев, Ҳама Умаров каби истисод соҳиблари ўз маҳоратларини ана шу театр сахнасида туриб бутун халққа намойиш этганлар. Бугунги кунда бу ерда интиқдорли ешлар санъатсозларини хушнуд эттиш билан бирга энг нокил жаҳатларини ана шу масканда ўрганишмоқда. Театрнинг йил давомида олиб борган ишлари, ўзгаришлари, янгилликлари режиссар хуСУСИДА ИЖОДИЙ ЖАМОА ДИРЕКТОРИ АБДУШУКУР ШОМУРОДОВ билан мулоқотда бўлди.

Ижодий жамоаларда

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУН

— Ҳар бир театрнинг ўз режиси бўлади, албатта. Шу режага кўра 1994 йилда тўртта мусиқий спектакль сахналаштирдик. Булардан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб Хайдар Муҳаммад қаламига мансуб бўлган "Ҳар қимчи вафо қилса" спектаклидир. Жуда кўплаб томошабинлар эътиборини тортган бу спектаклга машҳур сазанда Абдуқошим Исмоилов ҳамда Султон Хайитбоевлар кўй басталашган.

Ҳамид Гуломнинг янги талқинидаги асари асосида "Тош-болта ошиқ тадбиркор" номи томоша ҳам кўчиликка маъқул бўлди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театрийннинг бош режиссери Носир Отабоев сахнага қўйди. Спектаклда бастакор Манас Левеневнинг жүшқин куй-қўшиқларидан фойдаландик. Шунингдек адбимиз Ҳамид Гуломнинг 75 йиллик туғилган кунини муносиб нишонладик.

Театрнинг етакчи актёри Рус-там Маъдиев эса Сиддик Журнинг "Севиғ нидоси" асарини сахналаштирди. Ушбу мусиқий спектакль ҳам томошабинлар орасида ўз муҳимлигини топа олди. Мана ҳозир қишқи таътил пайти. Кичкинтойлар учун Фарход Фаёзиевнинг "Кулоқсиз шалпангқулоқлар" асари театрлаштирилди.

Маълум бўлишича, "Кулоқсиз шалпангқулоқлар" спектакли Тошкент шаҳар қасаба уюшмасининг ҳамда шахримиздаги бошқа қорқоналар буюртмасига кўра 10 кун давомида кунига 3-4 марта болаларга намойиш этилди.

— Абдушукр ака, мусиқий театрларда шў олим бориш, бошқоқ бўлиш осон эмасдир-а?

— Биласизми, мусиқий театрнинг иши бирмунча огирроқдир. Ўзим раҳматли устоз санъаткор Разоқ Хамроевнинг қўлларидан ерданчи бўлиб ишлаганим. Театр санъатининг деврида барча сир-синоатларини ўша кишидан ўргандим. Ҳозирги муаммоларни

ўзида акс эттирадиган, замон талабига жавоб берадиган асарлар йўқ ҳисобланади.

Ижодий жамоамиз таркибида ракс, хор, чолғулар гуруҳи бор. Уларнинг ҳар бирига жиддий эътибор керак.

Лекин шуларга қарамай, ўтган йилги молиявий ва ижодий режани муваффақиятли бажардик.

— Ютуқларингиз сирини нимада деб ўйлайсиз?

— Ҳозирда актёрлар билан шартнома асосида ишлаяптимиз. Тартиб, интизом масалаларига жиддий эътибор бераёмиз. Ижроқилар бир йил муддат билан ишга олинаяди. Уларнинг нимага қодир экани, бор маҳорати синовдан ўтади. Ишга интилиш бўлади, масъулият хис этилади. Жамоамиз аъзоларининг аксарияти қийинчиликларни енга оладиган, тиришқоқ ешлардан иборат. Кези келганда дам олиш кунлари ҳам, байрам кунлари ҳам ишлаяптимиз.

Молиявий режа удалланганининг яна бир асосий сабаби қорқоналар билан ижодий алоқалар жуда яхши йўлга қўйилганидир. Концертлар, томошалар уюштиряптимиз. Дала меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез мусиқий чиқишлар уюштириб тураёмиз.

— Театрнинг келгуси режаларини қандай?

— Хайри режаларимиз анчагина. Шундан бири "Баҳорат" асарини тайёрлаяптимиз. Уни ҳам Носир Отабоев сахналаштиряпти. Бундан ташқари режиссерликка кўл урган интиқдорли ижрозимиз Рустам Маъдиевга бир асарини сахналаштириш топширилди. Бир сўз билан айтганимиз бўлса, халқимизнинг олдидан олиштириш интиляптимиз.

Сухбатдош
Ноҳира УРМОҢОВА,
СУРАТДА: "Ноҳирабегим"
томошасидан бир лавҳа.



Китоб жавонингизга
АДИБНИНГ ЎНИНЧИ РОМАНИ

«Ёзувчи» нашрияти Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Илон ўчи» романини босмадан чиқарди. Бу романда адиб аънаваный йўлдан бормай, ўз меҳнати, инсоний хислатлари, одамларга гамаҳўрлиги, халоллиги, саховати билан кексалар дуосини олган, ўзини қўз-қўз қилишдан сақланадиган оддий бир йигит сиймосини маҳорат билан тасвирлайди. Романда ҳаракат қилиб турган кўплаб сиймолар: Нигора, унинг ота-онаси, Маҳбубахон ва Жамшидбек Зулфикроову элчил ва замонавий йигитлар Ҳабибу Фатҳуллолар, Салтанатхон она-ю Шарбатхон ая, унинг қизи Пошшахон ва бошқалар кўзга ташланади, лекин асар охиригача ўзини томоша қилмайдиган иккинчи бир инсонни муаллиф кашф этган. Унинг қилмиги фақат романинг охиридагина рўй-рост ўзини кўрсатади. У китобдан диққатини тортиб, унга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади.

«Илон ўчи» — бу сарлаҳқа дарҳол киши диққатини тортади, асар ўқилгач бу ном жуда тўғри қўйилганини сезасан киши. Ҳамма жондорлар ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилади, аммо ривоятларда айтилишича заҳарли илонларда ўч олиш хусусияти бор эмиш... Газандасифат баъзи кимсаларнинг ўч олиш манзараси романда яхши тасвирланган, бу кишиларни ҳушёрликка чақиради.

Юқорида айтганимиздек «Илон ўчи» адибнинг ўнинчи романидир. Унга «Ўмид», «Чинқиш», «Дегрез ўғли», «Зиёд ва Адиба», «Чотқол йўлбарси», «Меъмор», «Илдизлар ва япроқлар», «Чодрали аёл», «Темур Малик»лар ва кимсалари яратилган. Ҳозир адибимиз «Алп-Арслон» асарини ёзиб тугатди.
Нигора УЛУҒОВА.

Дунёда гаройиботлар тўлиб-тошиб етибди. Улардан бохабар бўламузи, табиатнинг қудратига беихтиёр тан беради киши.

Россиянинг Челябинск вилоятида Ширин кўл бор. Нақл қилишларича қўлда чўмилган Емельян Пугачёв сувдан ичиб кўриб: «Худо ҳақи жудаям ширин экан» деб хитоб қилибди. Шу-шу кўлнинг номи Ширин (Сладкий) бўлиб кетган экан.

Текширишларда маълум бўлишича қўлда жуда ҳам кўплаб микдорда сода эритмалари бор экан.

Швейцарияда, Францияда, Голландияда, Швецияда суви қип-қизил қонга ўхшаш кўллар бор. Олтойда Малина кўли бор. Суви худди малинанинг рангиди.

Унда бинафша ранг қисқичбақалар тўлиб-тошиб етибди. Кўлнинг суви шу сабабли малина тусига кирган.

Курил оролларида, аниқроғи Кунашир оролида суви сутга ўхшаган кўл бор. Унинг таркибида туз ва олтингурут кислотаси ниҳоятда кўп. Индонезиянинг ўчиб қолган вулконларидан бирининг энг тепасида учта кўл бор. Бирининг суви ёрқин қизил, иккинчисиники зангори, учинчисиники сутранг. Текшириб қўрилганда бирида темир моддаси ниҳоятда кўплиги маълум бўлди. Қолган иккитасида туз ва олтингурут кислотаси мўл экан.

Жанубий Америкада энг катта Титикака кўли мавжуд. У денгиз сатҳидан 4 минг метр тепаликка жойлашган. Қуёш чиқар пайтида у кўзни олар даражада товланади.

Маданият хабарлари

ШОДЛИК УЛАШИБ

Абдор Ҳидоят номи театрида Н. Осиповнинг «Урик гуллаганда» номи асари асосида эртақ-томоша сахналаштирилиб, мактаб ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинди. Уни сахнага режиссер Бекпулат Фармонов қўйган.

Киши таътил тугагунча давом этадиган томошаларни аънаваный Янги йил қахрамонлари, турли ранг-баранг ниҳондаги ижрозиларнинг маҳоратига барча бирдек қарсақ қилиши шубҳасиз.

Спектакль марокли куй-қўшиқ, қувноқ ракс, ҳавилмутойиба билан тўла йўрилган. Томошада асосий ролларда Неймат Олимов, Фарход Абдуллоев, Гулбаҳор Раҳимова, Нигора Оразмурадвалар катнашмоқдалар.

Яшил, бинафшаранг тусга қиради. Сатҳида узун-узун еруғ излар пайдо бўлади. Анд тоғларидаги жуда ҳам кўплаб кўллар шунангани минг бир хил рангга қираверади.

Табиатнинг мўъжизалари жуда кўп дедик. Шундай мўъжизалардан бири Жазоирдаги Сидибел қишлоғида жойлашган.

Қишлоққа яқин жойда Сиех кўли бор. Унда хатто бемалол хат ёза бўлади. Кўлга келиб

Ажойиботлар қомуси
СИРЛИ КЎЛЛАР

қуйиладиган икки даренинг биридан темир тузи эритмалари оқиб келади. Иккинчисида эса турли ўсимликларнинг чиршидан ҳосил бўлган гумуслар беадад кўп микдорда кўлга келиб тушади. Иккала сувнинг қўшилишидан эса сиеҳранг сузюқлик ҳосил бўлади.

Индонезиянинг Ява оролида эса бундан ҳам гаройиб кўл бор. Ундан бир-бир ярим метр баландикка пуфаклар отилиб чиқиб туради. Улар худди момақалдиракка ўхшаб қарсиллаб ёрилади.

Кичик Антил ороллари гуруҳига кирувчи Тринидад оролида асфальт кўли бор. Унда юриш мумкин. Хатто тор изли темир йўл ҳам қурилган. Вагонларда бу ердаги асфальт олиб кетилади. Кўл охишта ҳаракатда бўлиб туради. Бир гал кўл юзиди дарахт

пайдо бўлган. Икки ҳафтадан кейин яна гаройиб бўлган. Олимлар кўл сўнган вулқон ҳавасида пайдо бўлган деб тахмин қилмоқдалар. Ер тубидан отилиб чиққан нефть вулқон куллари билан қўшилиб, асфальт кўли Озарбайжонда ҳам бор. Бу кўллар жониворларга, айниқса, қушларга қирон келтиради. Унинг товланиб туришига алданган паррандалар келиб кўнадию қайтиб учиб кетолмайди. Хатто кўл тубида ниҳоятда кўп жониворларнинг борлиги тахмин қилинмоқда. Бу тоифа кўллар билан палеонтологлар кўп қизиқишади. Сабаби кўл тубида қадим жониворлар, ўсимликлар худди музейда тургандек туради экан.

Кола кўлигидики Кабрисон кўли беш қаватли. Кўлнинг юзаси чучук сув, сўнгра шўр сув, ундан пасти олтингурут газига ниҳоятда тўйинган сувдан иборат. Унда тирлик жон ишамайди. Кабрисон номи шундан олинган.

Американинг гарбий Юта штатида ниҳоятда катта Шўр кўл бор. Бу кўлда чўмилиб ҳам бўлмайди. Сабаби унда қотишма тузлар ниҳоятда кўп. Бир бола оғохлантирилишларга қарамай, кўлга қалла ташлаган. Уни бўйни синган ҳолатда зўрға кутқариб қолишган. Кўлда хатто қайиқ ҳам сузоламайди.

Табиат сир-асрорларга ниҳоятда бой. Уларни ечиш, тағига етиш учун фақат билим, изланиш ва меҳнат керак.

Толіб САЪДУЛЛАЕВ тайерлаган.

Таътил кунларида

КУМУШ ҚИШ ҚУВОНЧЛАРИ

Ўсмирлар орзиқиб кутган киши таътил кунлари ҳам давом этмоқда. Мактаб ўқувчиларининг кўнгилли дам олишлари, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш учун Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан қатор тадбирларни амалга оширувчи дастур тузилган бўлиб, ушбу дастурга кўра турли ешдаги ўқувчиларни қамраб олувчи Янги йил баллари барча мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда бўлиб ўтмоқда. Мазкур тантанали кечаларда Қорқиз, Қорқобо, турли халқ эртақлари қахрамонлари ўқувчиларнинг меҳмони бўлишяпти. Бундан ташқари барча мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда кенгайтирилган жадвал асосида ўқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларига асосланган турли тўғараклар, клублар ишлаб турибди. Ушбу тўғаракларда 200 мингта яқин ўқувчи қамраб олинган.

Шаҳар микесидида еш техниклар, еш адабиётшунослар, еш экологлар, интиқдорли болаларнинг кўрик-танловлари, кичик олимпиадалар, мусобақалар ҳам ўтказилляпти. Олти мингдан зиёдрок ўқувчи болалар табиат қўйнига ва турли тарихий жойларга сайру саёхатта чиқадилар. Об-ҳаво имкониятларидан фойдаланиб, турли қишқи спорт ўйинлари ҳам ташкил қилинади.

Мустиқиллик майдонидаги арча атрофида пойтахтимиз меҳмонларини, ота-оналарни ўқувчилар ўз санъатлари, бадий маҳоратлари, турли мусобақалар ва виқториналар билан хушнуд этишмоқда.

Таътил кезларида мактаб ўқувчилари шаҳардан ташқаридаги «Қамалак», «Семур», «Майиш хизматчи», «Эль-брус» каби дам олиш масканлари кутади. Булардан ташқари Республика кўғирчоқ театри, Давлат цирки, «Алпомиш» спорт саройи, «Баҳор» концерт залида Янги йил байрамлари (совгалари билан) ташкил этилмоқда.

НамоЗ РЎЗИҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг тарбиявий ишлар бўйича мутахассиси.



Суратли ахборот

БОЛАЛАР ЯЙРАШДИ

Мирзо Улугбек туманидаги 380-болалар боғчисида фарзандларимизнинг соғлом қамол топиши йўлида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда тез-тез ўтказилиб турадиган тадбирлар ҳам жазжи болақайларнинг яхши тарбия олишларига қаратилган. Кунин кеча бу ерда ўтказилган тадбирга боғида тарбияланган ўғил ва қизларимизнинг ота-оналари меҳмон бўлиб келишди. Болалар ҳузурига эса Қорқобо ва Қорқиз таширф буюрди.

— Болаларимиз шу кунин уларнинг барча маҳоратларини кўрсатдилар, — дейди боғча мудариси Закира Нейматжонова. Улар уларни ўргатган шеърларини айтиб бердилар, шўх рақсларга тушдилар. Қорқобо эса болаларга аталган ўз совгаларини топширди.

Шунин айтиш керакки, боғчамиз жамоаси болаларнинг ҳар томонлама қамолга етишлари учун тарбиянинг барча воситаларидан фойдаланмоқда. Уларни овоз юртимизнинг соғлом ва ҳар томонлама қамолга еришган фарзандлари этиб тарбиялашда болаларимиз дастлаб илк қадам қўйдиган мактабгача муассасаларининг роли катта.
СУРАТЛАРДА: боғида ўтказилган тадбирдан лавҳалар, Қозим Умаров олган суратлар.



Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЕҚУБОВ

ДУШАНБА, 9

УзТВ I
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот курсатуви.

20.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг курсатувлари.
21.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.

курсаути.
9.00 «Шум бола». Бадийий фильм.

21.00 «Шум болалар чойхонаси».
22.00 «Оила сирлари». Бадийий фильм.

«Лидер».
«Арт-спорт».
«Юниор».
«Кинематограф».

МУЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪМОНЛАР

AFC (HOLLAND) HOLDINGS LTD. A EUROPEAN MULTINATIONAL COMPANY IS ACCEPTING APPLICATIONS FOR:
TRANSLATORS REQUIREMENTS
PROJECT MANAGERS REQUIREMENTS
DRIVERS REQUIREMENTS

Тошкент шаҳар телефон тармоғи абонентлари диққатига!
45-АТС ва 67-АТС ораллиғидаги бирлаштирувчи кабель линияси капитал таъмирланиши муносабати билан қуйидаги йўналишлардаги 6 рақами билан бошланадиган абонентларда

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзумиқ».
19.00 «Дехон химмати».

ЧОРШАНБА, II

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

УзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозоба».

УзТВ III

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».

УзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

А ОСИАБ

САВДО КОМПЛЕКСИ
хонадонингиз ва ишхонангиз учун мебеллар, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, электроника, француз парфюмерияси, бижутерия, болалар ўйинчоқлари, идиш-товуқлар ва яна кўплаб бошқа хилма-хил товарларни

СЕШАНБА, 10

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Танишув».

УзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ШАНБА, 14

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

УзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Совга».

ЯҚШАНБА, 15

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

«Кичкина деманг бизни...»
Богча тарбияланувчиларининг ҳаракатли спорт ўйинлари.

УзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Танишув».

УзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ЖУМА, 13

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

УзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультифайерверк».

ИЖАРАДАГИ СИРГАЛИ МЕБЕЛЬ БИРЛАШМАСИ

Сизларни ўз фирма дўконига таклиф қилади. Бу ерда эътиборингизга бозор нархларидан анча арзон баҳода, яъни савдо устамасини камайтириб

ИЖАРАДАГИ СИРГАЛИ МЕБЕЛЬ БИРЛАШМАСИ

Сизларни ўз фирма дўконига таклиф қилади. Бу ерда эътиборингизга бозор нархларидан анча арзон баҳода, яъни савдо устамасини камайтириб

ИЖАРАДАГИ СИРГАЛИ МЕБЕЛЬ БИРЛАШМАСИ

Сизларни ўз фирма дўконига таклиф қилади. Бу ерда эътиборингизга бозор нархларидан анча арзон баҳода, яъни савдо устамасини камайтириб

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.55 «Урлдет» телекомпаниясининг янгиликлари.

УзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Танишув».

УзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Танишув».

УзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш курсатуви.